

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/3012.2019.Таг.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛИКУЛОВА ШАХНОЗА БОЙМУХАММАТОВНА

**ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА САНОАТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ
(1991-2016 йй.)**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Холикулова Шахноза Боймухамматовна

Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши
жараёнлари (1991-2016 йй.).....3

Халикулова Шахноза Боймухамматовна

Процессы развития промышленного производства в Нижнезарафшанском
оазисе (1991-2016гг.).....25

Kholikulova Shakhnoza Boymukhammatovna

The development processes of industrial production in the Lower Zarafshan oasis
(1991-2016).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/3012.2019.Таг.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛИКУЛОВА ШАХНОЗА БОЙМУХАММАТОВНА

**ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА САНОАТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ
(1991-2016 йй.)**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Тарих факультети бўйича Философия доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2019.2.PhD/Tar250 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Намойиш Давлат педагогика институтинда бекор қилинган.

Диссертация автороферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (режисе)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (<http://ik-tarix.uz>) ҳамда «LiyonNet» Аxbорот-талам порталда (www.liyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Нуриддин Умурақович
тарих факультети доктори, профессор

Расмий ошпенентлар:

Шадманова Ситавар Базарбаевна
тарих факультети доктори, профессор

Ниятов Мурад Ниятович
тарих факультети номоди, доцент

Етабчи таъшиқлот:

Бухоро давлат университети

Диссертация хавоси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДSc-03/03.12.2019.Тар.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "16.08.20" сондаги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Гўлиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория, Тел.: (99871) 227-12-24; факс (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; E-mail: naika@mu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Аxbорот-ресурс марказида танишма мумкин (100174 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бон бано. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автороферати 2020 йил "03" декабр куни тарқатилди (2020 йил "16" сентябрдаги "10" рақамли реестр баённомаси).



А.А.Маърузов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Урақов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби т.ф.и.
доцент

Н.У.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш комиссияси илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Глобаллашув жараёнининг тобора кучайиши, минтакалар ва давлатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг тезлашиши халқ хўжалигида етакчи ўрин тутган саноат ишлаб чиқаришига инвестициялар жалб қилиш заруриятини ошириб, халқаро амалиётда ишлаб чиқаришни субсидиялаш ва молиявий имтиёзлар бериш, давлат кафолати билан кредитлар ажратиш сингари молиявий воситалардан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенгайтириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кун тартибига қўйди.

Дунёнинг бир қатор етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида саноат ишлаб чиқаришига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг иқтисодий барқарорликни таъминлашда тутган ўрнини белгилаш, Марказий Осиёда саноат ишлаб чиқариши тармоқларини модернизациялаш жараёнлари ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятини, иқтисодий ўзгаришларнинг аҳоли моддий ва маънавий турмуш шароитига таъсирини таҳлил қилиш, саноат ишлаб чиқариши таъсирида тобора мураккаблашиб бораётган экологик муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти андозасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик ҳаётида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга эҳтиёж тобора ошмоқда. Бу борада мамлакатимизнинг йирик саноатлашган зонаси ҳисобланган қатор ҳудудларда жумладан, Қуйи Зарафшон воҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, ижтимоий инфраструктураларнинг ривожланишини таъминлаш имкониятларини кенгайтди. “Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида, модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”¹. Хусусан, воҳада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ва соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш чоратадбирларининг кўрилиши, урбанизация жараёнларининг тезлашиши, аҳолини ижтимоий аҳолини барқарор яхшиланиб бориши ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга шароит яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги ва 2008 йилнинг 2 декабрдаги ПФ-4059-сон “Навоий вилоятида

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 26 январь

эркин индустриал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 декабрдаги ПҚ-1027-сон “Навоий шаҳар аэропорти базасида Халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, унинг аҳоли ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳамда шаҳарсозлик маданияти тараққиётида тутган ўрнини ўрганиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси бўйича яратилган адабиётларни уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биринчи гуруҳга киритилган адабиётлар Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида олиб борилган тадқиқот ишларини қамраб олган² бўлиб, уларда мамлакатимиз, хусусан, Қўйи Зарафшон воҳасининг

²Асанов Г., Набижонов М, Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994.210-бет; Бердников Е., Шеметов П., Бычков В. Годы и люди Мурунтау. –Ташкент: Мир экономики и права, 1998.-495 -стр.; Ветштейн Л. Наш Навоимаш. –Ташкент: А.Кадыри, 1998. -288 стр.; Я-Навоийский цементник! / Автор-составитель: Л.Ветштейн. –Ташкент: А. Қодирий, 1999. -350 -стр.; Веретенников Б. По Кызылкумам. –Ташкент: Академик-Хизмат. 2003. – 180 стр.; Солиев Б. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи. –Тошкент: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. -216 бет.; Кучерский Н. Флагман индустрии независимого Узбекистана -Ташкент: Шарқ, 1997. -47 стр.; Он же. Навоийский горно-металлургический комбинат. -Ташкент: Шарқ, 1997. -480 стр.; Шалатонин Б. Қизилқумнинг мингдан бир мўъжизаси. -Навоий, 1997. – 183бет.; Мусаев Н.У. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан. –Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2011. -165 бет. Б.; Навоийский горно-металлургический комбинат // История создания и развития (Отв. ред. доктор исторических наук С.Ризаев). –Ташкент: Шарқ, 2002. -278 стр; Навоизот / Составитель: Экономова Л. –Ташкент: ДИЙДОР, 2002. -106 стр.; Санакулов К. Научно-технические основы переработки горно-металлургического производства. –Ташкент: “Фан”, 2009. -406 стр.; Санакулов К. и др. Проблемы развития инновационной деятельности Навоийского горно-металлургического комбината. –Бухара. 2011. -404 стр.; Navoi-o`tmishi qadim, kelajagi nurlı diyor / Tuzuvchilar: Sulaymonov.R. va bosq. –Toshkent: Ma`naviyat, 2011. -320 бет.; Ризаев С. Навоийский горно-металлургический. –Ташкент: Шарқ, 2008. -184 стр.; Навои-чудо город в пустыне / Составители: Иноятов С., Ражабов Қ., Ибрагимов Х. и др. –Ташкент: Ўзбекистан, 2008, 211 б.; Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика илмий-амалий анжумани материаллари) . –Навоий, 2007. 252 б.; Қўйи Зарафшон воҳаси... Илмий тўплам. 1-китоб. –Навоий, 2006. -188 бет.; Қўйи Зарафшон воҳаси... Илмий тўплам. 2-китоб. –Тошкент Ўзбекистон, 2007. -210 бет.; Қўйи Зарафшон воҳаси... Илмий тўплам. 3-китоб. –Навоий, 2008. -175 бет.; Мамашокиров С.Ваҳимами ёки ҳақиқат. -Тошкент: Ю`TISOD-MOLIYA, 2012. 67-бет.; Зияева Д. Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти. –Тошкент, 2017.-286 б.; Махмудов М., Пардаев Ш. Бухоро вилоятида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари// Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари (Республикамикёсидаги конференция.) -Бухоро: Садриддин Салим Бухорий, 2019. 7-бет. Темиров Ф.Т., Одинаева З., Ҳасанов А. Қизилқумда кончилик саноати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. -41 бет.

ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаёти, саноат ишлаб чиқариши тарихи, экологик муаммолар ва бошқа масалаларга бағишланган монографиялар, илмий адабиётлар, рисоалар ва тўпламлар киритилган. Жумладан, Г.Асанов, М.Набижонов, И.Сафаровларнинг монографияси, Р.Сулаймонов, Б.Шалатонин, Н.Мусаевларнинг асарларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маданий-маърифий ҳаёти ва ижтимоий жуғрофияси масалалари ёритилган. Е.Бердников, П.Шеменов, В.Бычков, Д.Зияева, Л.Ветштейн, Б.Солиев, Б.Веретенников, К.Санакулов, Н.Кучерский, С.Ризаев, С.Иноятов, Қ.Ражабов, С.Мамашокиров, М.Маҳмудов, Ш.Пардаев, Ғ.Темиров, З.Одинаева ва бошқаларнинг асарларида мамлакатимизда, жумладан Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши, ютуқлари, экологик муаммолари, шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, мазкур гуруҳга илмий тадқиқот ишлари, мақолалар ва бошқалар киритилган бўлиб, уларда ижтимоий-иқтисодий масалалар, Қуйи Зарафшон воҳаси саноат тармоқларининг фаолияти, экологик муаммоларни олдини олиш каби долзарб масалаларга бағишланган илмий адабиётлар ва тадқиқот ишларини ўз ичига олган³. Жумладан, Т.Пардаев, Р.Қаршиев, Ш.Рахматуллаев, А.Курахмедов, О.Вайсов, М.Неъматова, Ҳ.Муродов, П.Хушбоқов, З.Ҳайдаров, Б.Раҳимов, Э.Тиллаев, Ё.Розимова, М.Хаджамуратова, Ф.Ёрматов, Н.Уроқова, А.Аминова, У.Нарзуллаев, Ф.Рашидова, М.Сидикованинг тадқиқотларида мустақиллик йилларида шаҳарсозлик маданияти, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, кичик бизнес ва

³Пардаев Т.Н. Перспективы развития аграрного сектора региона в условиях перехода к рыночной экономике (на примере Навоийской области). Дисс. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. – Ташкент: 1996. -124 стр.; Каршиев Р. М. Экономическое и социально-культурное развитие г. Навои: опыт и проблемы (1958-1990 годы). Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Андижан, 1996. -24 стр.; Рахматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. (1991-1996 гг.) Автореф. на соискание... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 33 стр.; Рахматуллаев Ш.М. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). -Тошкент: Нишон ношир, 2017. – 200 бет.; Курахмедов А.Э.Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX-начала XX вв. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист.наук. – Ташкент. 2001, 27 стр.; Неъматова М. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши (Тошкент шаҳри ва Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мисолида (1991-2001): Тарих фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. -Тошкент, 2002 .-32 бет.; Хушбоқов П.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши: муаммо ва зиддиятлар (Самарқанд вилояти мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2006. -28 бет.; Тиллаев Э.Р. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2010.-26 бет.; Уроқова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. ном. дисс... –Қарши, 2004. -187 бет.; Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2010. -31 бет.; Аминова А. Исторический анализ экономических преобразований в Навоийской области (1991-2007 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. –Ташкент, 2012. -29 стр.; Нарзуллаев У. Ўзбекистон Республикаси Навоий вилоятининг замонавий тарихи ва барқарор ривожланиш омиллари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори дисс. (PhD) автореферати. –Тошкент, 2019. -23 бет.; Рашидова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (тарихий ёндашув).Тарих фан. бўйича фалсафа доктори дисс. (PhD) автореферати. –Тошкент, 2019. -52 бет.; Сидикова М. Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори дисс. (PhD) автореферати. –Тошкент, 2019. -53 бет.

хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг фаолияти, урбанизациялашиш жараёнлари, туризм салоҳияти каби соҳалар ёритиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, бевосита Қуйи Зарафшон воҳасида янги шаҳарларнинг вужудга келиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти масалалари Р.Қаршиев, А.Аминова, У.Нарзуллаевларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Р.М.Қаршиевнинг тадқиқотлари советлар даврида Навоий шаҳрининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнларини ўрганишга бағишланган бўлса, А.Аминова ўз изланишларида Навоий вилоятининг қайта ташкил этилиши, унинг 1991-2007 йилларда вилоят иқтисодий ҳаётининг ўзгаришига кўрсатган таъсири таҳлил қилган. Мазкур тадқиқот ишида мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда саноат ишлаб чиқариши соҳасида амалга оширилган ишлар ҳам қисман ёритилган. У.Нарзуллаевнинг ўз тадқиқот ишида Навоий вилоятининг барқарор ривожланиши омиллари ўрганилган.

Иккинчи гуруҳга асосан воҳанинг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид бир қатор илмий тадқиқот ишлари киритилган. Қуйи Зарафшон воҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, саноат ишлаб чиқаришидаги ўзгаришлар иқтисодчилар, социологлар ва бошқа тадқиқотчиларининг ҳам диққат марказида бўлиб, бу соҳаларга оид адабиётлар яратилган, илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, иқтисодий соҳада олиб борилган илмий тадқиқот ишларида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши жараёнлари ҳам ўрганилган. Жумладан, В.Чженнинг монографияси мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада хусусийлаштиришнинг зарурияти ва аҳамиятига бағишланган. Шунингдек, Т.Пардаев, А.Ҳикматов, Г.Шамиев, Б.Шахриёров, А.Рафиев, В.Воҳидова, Н.Ашурметова ва бошқаларнинг⁴ илмий тадқиқотларида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти шароитида ютуқлар ва муаммолар, жумладан, Навоий вилоятида аграр секторнинг ҳолати, саноат тармоқларини модернизациялаштириш орқали мамлакатимизда рақобатбардош иқтисодиётни вужудга келтириш, саноат ишлаб чиқаришига инвестициялар жалб қилиниши, бунда эркин иқтисодий зоналарнинг тутган ўрнига эътибор қаратилган.

⁴Чжен В. Основы приватизации. Т. 1. –Ташкент: “Шарк”, 1996. -288 стр.; 3.75.Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Тошкент: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996.- 258 бет; Хикматов А. Ўзбекистон –десять лет по пути рыночной экономики. –Ташкент: Ўзбекистон, 2001. -352 стр.; Шамиев Г.У. Хорижий сармоя жалб этиш жараёнини фаоллаштириш (Навоий вилояти саноати мажмуи мисолида): Иқтисод фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент, 2004. -127 б.; Шахриёров Б.Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини асосий йўналишлари (Бухоро вилояти мисолида) Иқтисод фан. номзоди...дисс.-Тошкент, 2008.- 147 бет; Рафиев А. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий хусусиятлари (Бухоро вилояти мисолида) Иқтисод фан. номзоди...дисс. –Тошкент, 2011.-159 бет; Воҳидова М. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишида халқаро иқтисодий интеграциянинг таъсири (Навоий вилояти мисолида): Иқтисод фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. –Тошкент: 2018. -48 бет.; Ашурметова Н. Саноат тармоқларини модернизация қилишнинг рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни// Инновация: иқтисод ва фан. 2019, № 1.

Учинчи гуруҳга кирган хорижий адабиётларда советлар даврида Ўзбекистон, хусусан, Қуйи Зарафшон воҳасини саноатлаштириш жараёнлари, бу ҳудуднинг экологик муаммолар гирдобига тушиб қолиши, унинг оқибатида сув, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланишига доир масалалар таҳлил қилинган. Жумладан, америкалик тадқиқотчи⁵ Г.Глисоннинг асарида Марказий Осиё республикалари қаторида Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгандан кейин бу ерда бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар баён этилган. *The Transformation of Central Asia. States and Societies from Soviet rule to Independence* (Марказий Осиё трансформацияси. Советлар бошқарувидан мустақилликка ўтиш даврида давлат ва жамият) деб номланган коллектив авторлар томонидан ёзилган монографияда мустақиллик йилларида Марказий Осиё давлатларининг янги сиёсий ва иқтисодий тизимга ўтиши жараёнлари таҳлил қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, мустақиллик даврида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ қатор изланишлар олиб борилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудлари кесимида, жумладан Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жараёнлари батафсил ўрганишни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қуйи Зарафшон воҳаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт жараёнлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жараёнлари, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: ўрганилаётган мавзунинг назарий асослари ва концептуал жиҳатларини ўрганиш;

мустақилликнинг дастлабки йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кучайтиришга бўлган эътибор ҳамда бу соҳада амалга оширилган ишларни ёритиш;

Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш омиллари ва заруриятини кўрсатиш;

воҳадаги йирик саноат корхоналарининг фаолияти ва уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Навоий эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва унинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ёритиш;

Қуйи Зарафшон воҳаси саноат корхоналарининг аҳоли ижтимоий-

⁵Wiedemann E. Zur Mineraloge im islam. Sitzungsberichte der Physik-Mediz. Soz. in Erlangen, 1912; T. 44, -С. 206; Gregori Gleason. The Central Asian States. Discovering Independence. –Westview Press. Boulder, Colorado, 1997. -480 p.;The Transformation of Central Asia. States and Societies from Soviet rule to Independence. Edited by Pauline Jones Luong. –Cornell University Press. Lthaca and London. 2004. -255 p.; Development of Navoi Free industrial Economic Zone in Uzbekistan. Ministry of Strategy and Finance, Republic of Korea. Seoul, 2010. -192 p.; Воловик Н. Международная практика создания специальных экономических зон. -М., 2016. 99– стр .

иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиш;

саноат корхоналари фаолиятининг экологик муҳитга таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва унинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳолати, бу соҳани ривожлантиришга доир кўрилган чора-тадбирларни тарихий нуктаи-назардан таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, объективлик, тузилмавий-тизимли таҳлил, хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

собиқ иттифок даврида ҳам НКМК, НМЗ ва Навоий кимё заводи каби иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган йирик корхоналарда малакали ишчилар танқислиги мажуд бўлса-да турли сунъий тўсиқлар туфайли маҳаллий аҳоли деярли ишга олинмаганлиги, мустақилликнинг илк йилларида ишчи-кадрлар муаммосининг долзарб масалага айланганлиги асосланган;

мустақиллик йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришига эътиборнинг кучайтирилиши натижасида Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент” комбинати ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи каби саноат корхоналар фақат мазкур ҳудудни эмас, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшганлиги исботланган;

“Навоий” эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва унинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва товар айирбошлашни кенгайтирилиши воҳада саноат ишлаб чиқариши тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашга янада кўпроқ сармояларни жалб этиш имконият бергани далилланган;

Мустақиллик йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида шаҳарсозлик маданиятига эътиборнинг кучайтирилиши, аҳолининг яшashi ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, ҳудуднинг микроклиматини яхшилаш, инсон омили ва соғлигини тиклаш учун табиатга антропоген таъсирни камайтириб, замонавий қайта тикланувчи энергия манбаларига кенгроқ эътибор қаратилиши зарурлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Навоий вилоятидаги йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарига уларнинг фаолияти юзасидан Навоий вилоят Давлат архиви томонидан ташаббусли ахборот тақдим этиш хусусан, Навоий конметаллургия комбинати, “Қизилқумцемент”, “Навоийазот” ва “Электрокимё” очик акциядорлик жамиятларига мустақиллик йилларидаги фаолияти юзасидан ташаббусли ахборотлар тақдим этилган;

Навоий вилояти давлат архиви сақланаётган Навоий вилоят ҳокимлиги, Навоий шаҳар ҳокимлиги ва “Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти

фондларидан вилоят ва корхоналар ҳақида янги тарихий маълумотномалар олинган ва илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида тарих фанида тан олинган илмий ёндашувлар, усуллар асосида турли архив ҳужжатлари ва адабиётлардан фойдаланилгани, тўпланган материалларнинг асосий қисми бирламчи манбаларга асосланганлиги, олинган натижалар, тақлиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий-гуманитар фанларнинг мавзуларини бойитишда, шунингдек, олий таълим тизими талабалари учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи тадқиқ этишда, Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Саноат бўлимига оид материалларни тўлдиришда ҳамда улардан экспозицион режалар тузишда, кўргазмалар ташкил этишда ҳамда экскурсия матнларини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қуйи Зарафшон воҳаси саноат ишлаб чиқаришининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш кўзда тутилган дастурларини бажарилишига, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ўрганиш ва ишлаб чиқаришини модернизациялашга доир билимларни бойитишга, кадрлар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация материалларидан 1991-2016 йилларда Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жараёнлари асосида олинган илмий натижалардан:

Қуйи Зарафшон воҳасида саноат корхоналарининг қурилиши, олий ўқув юртларини модернизация қилиш, урбанизация жараёнлари, экологик муҳит, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга оид ҳужжатларни, Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Саноат бўлимига оид материалларни тўлдиришда ҳамда улардан экспозицион режалар тузиш, кўргазмалар ташкил этишда, шунингдек, экскурсия матнларини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 5 майдаги 01-12-10-1878-сон маълумотномаси). Натижада, Навоий шаҳри ва туманларида мустақилликни дастлабки йилларидаги оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятни акс эттирувчи ва уларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларга оид ташкилот ҳужжатлари, вилоят архиви материаллари асосида музей материалларини тўлдиришга, ёшларни ватанпарварлик, ўтмиш ва аждодлар хотирасига хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Собиқ иттифоқ даврида Навоий вилоятидаги йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида малакали ишчилар танқислиги ва ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар борасидаги фикрлардан Навоий давлат архиви фаолияти доирасида тайёрланган электрон қўлланмани бойитишда, шунингдек,

корхоналар фаолияти ҳамда саноат ишлаб чиқариш учун ҳудуднинг табиий хом ашё базаси билан алоҳида қулайлиги юзасидан ташаббусли ахборот тақдим этишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 01-26/457-сон маълумотномаси). Натижада, Навоий конметаллургия комбинати, “Қизилқумцемент”, “Навоийазот” каби корхоналарнинг фаолияти юзасидан ахборотларни кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 2 республика ва 2 халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мазмуни ва моҳияти юзасидан 11 иш эълон қилинган бўлиб, улар 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги журналларда босилган мақолаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, манбалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришининг тарихий шароитлари ва трансформацион жараёнлар”** деб номланган. Унинг **“Воҳада саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш тарихи”** номли биринчи бандида Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқариши тармоқларининг шаклланиши жараёнлари таҳлил қилинган.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қуйи Зарафшон воҳасида геология қидирув ишлари бошлаб юборилган. 1964 йили Мурунговда жойлашган Зарафшон шахрида Марказий кончилик бошқармаси ташкил этилди. НКМКда қидирув-разведка ишлари олиб бориш, маъданни қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб то уран оксиди ва чала оксид, соф олтин (999,9) олишгача бўлган тугалланган жараёнлар амалга оширилди⁶. Бу рудаларни қайта ишлаб олтин олиш мақсадида 1969 йили №2 гидрометаллургия заводи (ГМЗ-2) ишга туширилди⁷. Шу йили тозаланган соф

⁶Кучерский Н.И. Золото Кызылкумов. –Ташкент: Шарк,1998. – С.11; Знамя Дружбы, 2003 год 26 сентябрь.

⁷Санакулов К.С. Вклад Навоийского комбината в региональное развитие и социальную стабильность //Ўзбекистон кончилик хабарномаси. № 33, 2008, июль. –С. 4.

олтин олишга эришилди⁸. 1969 йил 21 июлда биринчи қўйма олтин (11,820 кг) олинди⁹.

Навоий электрокимё комбинати Ўзбекистондаги йирик кимё комбинатларидан бири бўлиб, у “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибига киритилган. Комбинат қурилишининг лойиҳаси 1960 йилнинг 12 мартда тасдиқланган бўлиб, у 1964 йилда ишга туширилган¹⁰. 1965 йили комбинат истеъмолчиларга 104 минг 500 тонна аммиак селитраси, 308 тонна цинамид етиштириб берди¹¹. Кейинги йилларда корхона ривожлана бориб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб борди. Комбинатда сирка кислотаси, гербицидлар-нитран, которан, бронотак, инсектицидлар-фозалон, трефлан ва бошқалар ишлаб чиқариш¹² йўлга қўйилди.

1971 йили корхона Навоийкимё комбинати таркибидан Навоий электрокимё комбинати ажралиб чиқди. 1975 йил Навоийкимё комбинати «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди¹³. 1976 йилдан корхона ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 1980 йили корхонада которан гербициди ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1981 йилдан комбинат Навоий “Электрокимё” заводи деб номланди¹⁴. Завод қишлоқ хўжалиги ва саноатни зарур воситалар билан таъминлашда етакчи ўринга чиқиб олди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши” деб номланган иккинчи параграф ЎзР Олий Кенгаши VIII сессияси (1991 йил 18 ноябрь)да қабул қилинган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни асосида мустақилликнинг дастлабки йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида мулкчилик шакллари тартибга олиш, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш¹⁵ масалаларига бағишланган.

1992 йил февралда Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси ташкил этилгандан кейин Ўзбекистонда бошқа давлатлардан фаркли равишда ваучерлаштиришдан кўра, хусусийлаштиришга эътибор кучайтирилди¹⁶. Тадқиқотларга кўра, 1991-1993 йилларда Ўзбекистонга хорижий сармояларни жалб қилиш осон кечмади. Масалан, Жаҳон банкининг 1992-1994 йилларда берган маълумотларига кўра, Ўзбекистонга киритилган сармоялар ҳажми 30-35 млн. АҚШ долларини ташкил этган, холос¹⁷. Шундай

⁸ Юксалиш йўлида (НКМК 60 ёшда). –Тошкент: Mashhur-press, 2018. –Б. 86.

⁹ Степура В.Н. Гидрометаллургическому заводу № 2-40 лет. //Ўзбекистон кончилик хабарномаси. № 37, 2009 июнь. –С. 3.

¹⁰ <https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/history> (05.07.2013)

¹¹ Навоий вилояти ҳокимлиги архиви. Ф-95 . ОП-2 . Ед.хр.- 1., -Л.9 -13.

¹² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4 жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. –Б.583.

¹³ <http://www.navoiyazot.uz/uz/kompaniya-haqida/tarix>

¹⁴ Навоий Электрокимё заводи акциядорлик жамияти. <https://qomus.info/>

¹⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.330

¹⁶ Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. –Тошкент: “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси”, 1996. – Б. 5.

¹⁷ Рашидова Ф. Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (тарихий ёндашув). Тарих фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2019. –Б. 15.

мураккаб вазиятда ҳам айрим ишбилармонлар иқтисодий барқарорликка эришган. Жумладан, 1991 йили иш бошлаган Ғиждувон пойабзал корхонаси дастлаб йилига 90 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарган бўлса, 1992 йилга келиб эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш имкони вужудга келгач, пойафзални 225 минг жуфтга етказди. Маҳсулотнинг тури ва сони икки баравар кўпайди. 1993 йилда 471 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарилиб, 350 га яқин киши иш билан таъминланди¹⁸.

1994 йили Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат кўмитаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитасига айлантирилгач, “Давлат бош ислохотчи” тамойилига асосланган ҳолда хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилди.

1995 йилда Қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётда монополияга барҳам бериш жарёнлари давом эттирилди. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг сони 71 тани ташкил қилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 95,6 %ни ташкил қилди¹⁹.

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилгандан кейин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,6 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда²⁰. Кўпгина корхоналар мулкчилик шаклини ўзгартиришгандан кейин ишлаб чиқаришда ижобий натижаларга эриша бошладилар.

“Воҳада йирик саноат корхоналарининг фаолияти” деб номланган биринчи бобнинг учинчи қисмида локомотив саноат корхоналари фаолияти ёритилган. Жумладан, НКМК фаолияти ёритилди. Унинг таркибига Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятида жойлашган бешта кон ҳамда Навоий, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод, Учқудук шаҳарлари комбинат балансига ўтказилиб, улар ўзаро автомобиль ва темир йўллар, электр узатиш линиялари орқали боғланди, шунингдек комбинат базасида Навоий машинасозлик заводи ва Зарафшон қурилиш бошқармаси ташкил этилди²¹. НКМКнинг Шимолий кон бошқармаси таркибига кирган Учқудук районининг Кўкпатас ва Довғизтов олтин конлари базасида 1995 йилнинг 14 июнида № 3 Гидрометаллургия заводи (ГМЗ-3)нинг биринчи навбати ишга туширилди²². ГМЗ-3 мустақиллик йилларида олтин қазиб олган биринчи завод бўлиб, бу ерда 1500 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шу йили 230 минг тонна руда қайта ишланиб, режа 121,0 % қилиб бажарилди. Марказий кон бошқармасида олтинни уюмда ишқорлаш цехи ва Мурунгов конида эмульсион портловчи моддалар заводи, Жанубий кон бошқармасида ГМЗ-4, Мурунгов конида

¹⁸Бухоро ҳақиқати, 1993 йил 29 июль.

¹⁹Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қисқача статистик тўплам. –Тошкент: Давлат Статистика Департаменти. 1995. –Б. 6.

²⁰Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида қилган нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 9 сентябрь.

²¹Санакулов К.С. Вклад Навоийского комбината в региональное развитие и социальную стабильность //Ўзбекистон кончилиги хабарномаси. № 33, 2008 июнь. –С.3.

²²Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.109-114

қуввати бўйича жаҳонда ягона бўлган Тик-қоя конвейери ишга туширилди²³. Натижада заводнинг ишлаб чиқариш имконияти кенгайиб, кўплаб ёш мутахассислар ишга жалб қилинди, уларнинг ўртача ёши 32 ёшни ташкил этади²⁴.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида нефтга катта эҳтиёж сезилди. Республикага бир йилда ташиб келтириладиган 8 миллион тонна нефтнинг 6 миллион тоннаси Россия федерацияси ҳиссасига тўғри келар эди²⁵. Ана шундай вазиятда. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 3 августдаги 389-сонли қарорига асосан Қоровулбозор яқинида йилига 5 млн. тонна нефтни қайта ишлайдиган завод қурилиши режалаштирилди ўша йили заводни қуриш ишлари бошланди. Заводнинг ишга тушиши билан қарийб 3,0 минг киши иш билан таъминланиб мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин эгаллайди.²⁶ Бу корхона қурилиши лойиҳасининг технологик қисмини амалга ошириш учун Франциянинг “ТЕКНИП”, “ЭЛФ-Акетин” фирмаси, Япониянинг “Марубени” ва “Джей-Джи-Си” компаниялари иштирокида консорциум ташкил этилди. Қурилиш-монтаж ишларини Туркиянинг “Гама” компанияси ва Ўзбекистоннинг қурувчилари бажарди²⁷.

1997 йили бу ерда 500 атмосферагача босимда газни ер остига ҳайдовчи (“Сайклинг-процесс”) копрессор станцияси қурилди. Лойиҳа технологияси АҚШнинг “Келлог” ва Япониянинг “Нишо-Иваи” консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги нефть конлари (асосан, Кўкдумолок нефть-газ конденсати кони) асосида ишлаб, турли нефть маҳсулотлари, юқори октанли бензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, қорамой, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник пропан, пропан-бутан) ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришди²⁸.

Шундай қилиб, воҳада саноат ишлаб чиқаришида бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Тадқиқотнинг **“Қуйи Зарафшан воҳасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш чора-тадбирлари”** деб номланган иккинчи бобнинг **“Саноат ишлаб чиқаришига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва модернизациялаш жараёнлари”** номли биринчи параграфида ЎзРнинг 1991 йили қабул қилинган **“Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”**ги²⁹ ва **“Хорижий инвестициялар тўғрисида”**ги³⁰ Қонунлари асосида Республикада инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун зарур

²³Юксалиш йўлида (НКМК 60 ёшда). –Тошкент: Mashhur-press, 2018. –Б.31.

²⁴Навоийский горно-металлургический комбинат. –Ташкент: Шарк. 2002., –С. 278.

²⁵ Бухоро ҳақиқати. 1993йил, 17-апрель. №14.

²⁶ Бухоро ДА. Ф-1459.ОП-1. Ед.хр. – 25. Л-28.

²⁷Ўзбекистон Республикаси. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 249.

²⁸ Бухоро ДА Ф-1459. ОП-1. Ед.хр-73. Л-24

²⁹Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. –Тошкент, 1992, 9-сон. –Б.153-154.

³⁰Ўша жойда. –Б.154-157.

бўлган тамойиллари ёрдамида 1991-1992 йилларда Давлат геология кўмитаси ва унинг бўлинмалари томонидан мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва чет эл фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарини тузиш бўйича қилинган ишлар ўрганилди. Мурунгов каръери ёнида тўпланган минераллашган массани қайта ишлаш учун Давлат геология кўмитаси, Навоий ТМК ва “Ньюмонт Майнинг Корпарейшн” (АҚШ) муассислигида кўшма корхона қурилиши бошланди³¹.

1993 йили Зарафшонда ташкил этилган “Зарафшон-Ньюмонт” кўшма корхонасининг қурилиши ва фаолияти учун кетадиган маблағнинг 50 %ни АҚШ томони, 50%ни Ўзбекистон томони ўз зиммасига олишди ва дастлабки 150 миллион доллар инвестиция киритилди. Корхонани маблағ билан таъминлаш ишларига Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки ва Барклай банки раҳбарлик қилишиб, улар молиялаштириш учун кредит ажратишга дунёнинг 12 йирик банкни жалб қилишга эришилди³². Корхона Мурунгов конининг балансига кирмаган рудалардан “уюмда танлаб эритиш” усули билан йилига 13-14 млн. тонна руда қайта ишланиб, 12-13 тонна олтин ишлаб чиқарилди³³. Кўшма корхона АҚШ, Германия, Финляндия, ЖАР ва бошқа давлатлар корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

1995 йили Буюк Британиянинг “Лонро” фирмаси билан ҳамкорликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари конини ишга тушириш ва олтин ажратиб олиш бўйича “Амантайту Голдфилдз”(АГФ) кўшма корхонасининг лойиҳаси асосида иш бошланди³⁴. 1997 йили унинг маҳсулоти Токио саноат товарлари биржасида сифат белгиси сертификати билан тақдирланди ва Япониянинг Қимматбаҳо металллар бозори талабларига тўлиқ жавоб бериши эътироф этилди³⁵. Комбинатнинг “999,9” пробали олтин куймалари жаҳоннинг қимматбаҳо металллар биржаларида Ўзбекистоннинг брендига айланди³⁶.

Эришилган ютуқлар НКМКга қисқа вақт мобайнида дунёнинг кўплаб компаниялари, жумладан, “Марубени”, “Мицубиси”, “Бриджстоун”, “Катерпиллар”, “Юклид”, “Спектро”, “Хитачи”, “Ниссё Ивай” каби машҳур фирмалари билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга келишилди. Натижада Белоруссия Мурунгов каръерида ишлаган юк кўтариш ҳажми 110 тонна бўлган автосамосваллари юк кўтариш ҳажми 136 тонналик (“Катерпиллар” фирмаси) ва 170 тонналик (“Юклид” фирмаси) хорижий самосваллар билан, шунингдек, чўмичининг сифими 17-20 кубометр бўлган хорижий гидравлик эксковаторлар (“Хитачи”, “Катерпиллар Ориенштайн” ва “Коппель”) билан

³¹ ЎзМДА. ФМ-113. ОП-1. Ед.хр-2. Л-301

³² Навоийский горно-металлургический комбинат. –Ташкент: Шарк. 2002., –С. 264

³³ Темиров Ф.Т., Одинаева З.Б., Ҳасанов А.С. Қизилқумда кончилик саноати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. –20–Б.

³⁴ Ўз МДА. ФМ-113. ОП-1. Ед.хр-2. Л-302. Ражабов Қ. Мустақиллик йилларида Навоий вилояти иқтисодиётида кончилик ва металлургия саноатининг тутган ўрни//Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни (Республика микёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари). -Навоий, 2007. –Б.186.

³⁵ Степура В.Н. Гидрометаллургическому заводу № 2-40 лет // Ўзбекистон кончилик хабарномаси, № 37, 2009 июнь. – С. 7

³⁶ Юксалиш йўлида (НКМК 60 ёшда). –Тошкент: MASHHUR-PRESS, 2018. –Б. 31

алмаштирилди³⁷. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қарийб 20 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, 1999 йили уларнинг сони 27 тага, 2004 йили 43 тага етди³⁸. 2017 йилга келиб, уларнинг сони 55 тадан ошди³⁹. Давлатимиз томонидан Навоий кон-металлургия комбинатини ҳар томонлама ривожлантиришга биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, НКМКни 2026 йилгача ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд қарийб 30 га яқин йирик инвестиция лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилиб, 30 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади⁴⁰.

Мамлакатимиз иқтисодиётида қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 % га (жами ўсиш ҳиссаси 5,2 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг -12,9 % га (ўсиш ҳиссаси 1,3 %), электр энергияси, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 4,9 фоизга (ўсиш ҳиссаси 0,4 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг-13,5 % га (ўсиш ҳиссаси 0,1 %) ўсиши⁴¹ таъминланди.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва модернизациялаш ишларининг амалга оширилиши натижасида саноат ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши таъминланди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва фаолияти** деб номланиб, унда Иқтисодиёт рақобат бардошлигини таъминлашда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) интеграция жараёнларини тезлаштириш, жаҳон стандартларига мос маҳсулот яратиш масалалари таҳлил қилинган. 2008 йил 2 декабрда ЎзР Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди⁴². Фармонига кўра, Навоий ЭИИЗсида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар қатор имтиёзларга эга бўлдилар. Жумладан, 7 йил муддатга 3 млн. евродан 10 млн. еврогача, 10 йил муддатга 10 млн. евродан 30 млн. еврогача солиқ тўланиши, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловининг 50 % га камайтирилиши белгиланди⁴³.

ЎзР Президентининг 2008 йил 31 декабрдаги “Навоий шаҳар аэропорти базасида Халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Навоий шаҳар аэропорти базасида Korean Air авиакомпанияси билан ҳамкорликда Халқаро интермодал

³⁷Комбинат, время, судьбы... /Сборник документов, статей, информация, воспоминаний (Под редакцией И.Н.Баталовой). –Ташкент: Изд. медицинской литературы имени Абу Али ибн Сина, 1998. –С. 93.

³⁸Навоий вилояти статистика бошқармаси жорий архиви (2011 йил).

³⁹Нарзуллаев У.О. Ўзбекистон республикаси Навоий вилоятининг замонавий тарихи ва барқарор ривожланиш омиллари. Тарих фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2019. –Б. 17.

⁴⁰Мирзиёев Ш. “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси жамоаси ва Навоий шаҳри аҳлига // Халқ сўзи, 2018 йил 24 ноябрь.

⁴¹Ашурметова Н. Саноат тармоқларини модернизация қилишнинг рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни. –Тошкент. Инновация: иқтисод ва фан. 2019, № 1. –Б. 41.

⁴²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2008 йил 4 декабрь.

⁴³Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “Об утверждении положений об особом таможенном режиме и о порядке обеспечения особого налогового режима на территории Свободной индустриально-экономической зоны “Навои”. От 23 апреля 2009 года № 120. <https://www.lex.uz/docs>

логистика маркази ташкил этилди⁴⁴. 2009 йилнинг 5-март куни Кореянинг Сеул шаҳрида йирик ишлаб чиқариш корхоналари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тақдиротда 600 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 30 га яқин истиқболли лойиҳа шартномалари имзоланди. Шу йили Навоий ЭИИЗга 900 миллион АҚШ доллари миқдоридан 40 га яқин лойиҳа асосида хорижий инвестиция киритилди⁴⁵. 2010 йилда Навоий ЭИИЗда 17 та, жами 180 млн. АҚШ долларида ортиқ инвестицион лойиҳани амалга оширишга киришилди. Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқариш компаниялари билан биргаликда LCD мониторлари, компьютер, хархил дисплейлар, тежамкор энергияли ёриткичлар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, тиббиёт буюмлари ва дори-дармонлар билан шуғулланувчи кўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. 2010 йилнинг сентябрь ойида корхоналар ўз маҳсулотларини бера бошлади. Навоий ЭИИЗ ташкил этилиши кўплаб инвесторларни жалб қилиш имконини берди.⁴⁶

«Навоий» халқаро аэропорти мультимодал логистика марказига айланиши натижасида, 2012 йилга келиб ҳафтасига Европа билан Осиёни боғлайдиган 40 та юк қатнови йўлга қўйилди. «Навоий» халқаро аэропорти Европа билан Осиёни боғлаб турувчи асосий тармоқлар ва логистик марказлар – Инчон, Франкфурт, Милан, Брюссель, Дубай, Истанбул, Дехли ва Мумбай – билан ҳамкорликда ишлай бошлади. "Навоий" халқаро логистика маркази 2016 йилдан қабул қилинаётган юк рейслари сонини қарийб икки баробар оширишга эришди. Бу ерда ҳар ҳафтада 21 юк рейси қабул қилина бошлади⁴⁷. Шундай қилиб, Навоий эркин иқтисодий зонаси мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, корхоналарнинг барқарор ишлаши ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиб берди

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи **“Саноат ишлаб чиқариши тармоқларининг кадрлар билан таъминланиши: ютуқлар, муаммолар”** деб номланган. Унда Қуйи Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқаришида кадрлар масаласи ўрганилган. Маълумки, советлар даврида ҳам малакали мутахассислардан ташқари ишчи кадрлар танқислигига барҳам берилмаган эди. Турли тўсиқлар туфайли маҳаллий аҳоли вакиллари иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган НКМК, НМЗ ва Навоий кимё заводи каби йирик корхоналарга деярли ишга олинмади⁴⁸.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кадрлар муаммосини бартараф этиш мақсадида саноатнинг турли йўналишлари бўйича касб-хунар коллежлари ташкил этила бошланди. Бу вақтда Навоий вилоятида жами 47 та касб-хунар коллежи бўлиб, шундан 24 таси саноат тармоқларига кадрлар етиштириб беришга мўлжалланган. Бухоро вилоятида 80 та коллежлардан 24

⁴⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий шаҳар аэропорти базасида Халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш, чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1027-сонли қарори (2008 й. 31 дек.).

⁴⁵ Дўстлик байроғи, 2009 йил, 12 октябрь.

⁴⁶ Дўстлик байроғи, 2010 йил 4 февраль

⁴⁷“Навоий” логистика маркази икки қарра кўп рейсларга хизмат кўрсатади. <https://m.kun.uz/news/2016/10/12>

⁴⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning “O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” kitobini o‘rganish bo‘yicha o‘quv-uslubiy qo‘llanma. –Toshkent: “O‘qituvchi”, 2011. – B.33-34.

таси саноатга кадрлар тайёрлади⁴⁹. Бухоро ва Навоий вилоятларида кончилик, нефт-газ ва кимё технологиялари саноати етакчи тормоқ сифатида аҳамият касб этганлигини инобатга олиниб, шу соҳага оид коллежлар очилди.

